TOSHKENT HAQIQATI

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2024-yil 2-noyabr / SHANBA / № 87 (13746)

“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти жамоасига

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни – Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг кўп миллатли аҳил жамоасини Ўзбекистон саноатининг фахри бўлган ушбу йирик ишлаб чиқариш мажмуаси ташкил этилганининг 75 йиллиги билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Ўзининг шонли анъаналари билан дунё миқёсида шуҳрат қозонган бу кўп тармоқли комбинат сизлар каби юксак малакали кончи ва мутахассислар, ишчи ва хизматчиларнинг фидокорона меҳнати билан республикамизнинг иқтисодий қудрати ва халқимиз фаровонлигини оширишга улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида мавжуд хом ашё захираларидан самарали фойдаланиш ва илғор технологияларга асосланган миллий саноатни ривожлантиришдек устувор вазифани адо этиш мақсадида кейинги йилларда бу ерда кенг миқёсдаги модернизация ишлари амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, “Қалмоққир”, “Ангрен”, “Чодак”, “Хонжиза” майдонлари ва янги очилган “Ёшлик – 1” конидаги хом ашёни чуқур қайта ишлайдиган 6 та корхона ва 5 та бойитиш фабрикаси, мис эритиш ва рух заводлари ҳамда бошқа ишлаб чиқариш инфратузилмалари барпо этилганини қайд этиш лозим. Ана шундай муҳим ўзгаришлар туфайли комбинат мис ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги ўттизта энг йирик мажмуа қаторидан муносиб ўрин олгани барчамизни албатта мамнун этади.

Бугунги кунда бу ерда йилига 60 миллион тонна маъданни қайта ишлайдиган 3-мис бойитиш фабрикаси қурилиши якунига етказилмоқда. Яқинда Олмалиқда бўлиб, сизлар билан биргаликда ана шундай қувватга эга бўладиган 4-мис бойитиш фабрикаси қурилишини бошлаганимиз ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Ушбу фабрикалар ишга тушиши билан комбинат бўйича йилига 160 миллион тонна хом ашёни қайта ишлаш имкони пайдо бўлади. Айтиш керакки, бу – Ўзбекистон саноати тарихидаги мислсиз натижадир.

Саноатнинг драйвер соҳаларини ривожлантириш ва ҳудудлар салоҳиятини тўлиқ ишга солишга қаратилган жадал ва тизимли ишларимиз туфайли комбинатда Тошкент вилояти аҳолиси учун минглаб янги иш ўринлари яратилиши диққатга сазовордир.

Азиз юртдошлар!

Маълумки, биз табиий бойликларни ўзлаштириш учун йирик инвестицияларни жалб этиш, саноат соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига устувор аҳамият бермоқдамиз.

Шу мақсадда комбинат таркибида ташкил этилган, дунёдаги илғор тажрибалар, жумладан, дуал таълим дастурларига мувофиқ фаолият юритаётган Муҳандислик мактабига биз катта ишонч билан қараймиз. Шунингдек, Олмалиқдаги Тошкент давлат техника университети ҳамда Москва пўлат ва қотишмалар институти филиаллари ҳам бу борада олдимизда турган вазифаларни бажаришга катта ҳисса қўшаётганини таъкидлаш лозим. Биз ушбу олийгоҳларнинг моддий-техник ва ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш ишларини давом эттирамиз.

Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш учун комбинат ишчи ва хизматчиларининг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг иш ва дам олиш шароитларини яхшилашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Келгусида бу йўналишдаги ишларимиз албатта янги босқичга кўтарилади.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрам муносабати билан Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган мажмуанинг бир гуруҳ ишчи-хизматчиларини чин дилдан табриклаб, келгуси ишларида янги муваффақиятлар тилайман.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим ва ажралмас бўғинига айланган, кучли иқтисодиётга эга бўлган Янги Ўзбекистон давлатини барпо этишда Олмалиқ кон-металлургия комбинати каби етакчи саноат корхоналарининг беқиёс ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлашда сизларга янгидан-янги зафарлар тилайман.

Барчамиз учун қадрли, шонли тарих ва ёруғ келажакка эга бўлган комбинат ҳаётидаги бугунги қутлуғ сана билан сизларни яна бир бор муборакбод этиб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, меҳнат фаолиятингизда омад ва муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, кон-металлургия саноатини илғор технологиялар ва замонавий илм-фан ютуқлари асосида ривожлантириш, ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси, стратегик аҳамиятга эга бўлган минерал бойликларни самарали ўзлаштириш, халқаро андозаларга мос янги корхоналарни ташкил этиш борасидаги катта хизматлари, кўп миллатли меҳнат жамоасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўлидаги ибратли фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Масалиев Нуриддин Колдашевич – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Ангрен кон бошқармаси «Кўчбулоқ» шахтаси «Семғурон» ер ости участкаси бошлиғи

Туляганов Бахриддин Нишанбаевич – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Мис эритиш заводи технологик жараёнларни бошқариш тизимларини автоматлаштириш хизмати бошлиғи

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Закиржан Абдуханович – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Шахта қурилиш бошқармаси бошлиғи

Дергунов Александр Васильевич – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Электр тармоқлари бошқармаси эксплуатация участкаси катта устаси

Сеитов Осман Аблаевич – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Рух заводи электролит цехи бошлиғи

Соломко Наталья Григорьевна – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг техник бўлими полиметалл маъданларни бойитиш бўйича муҳандис-технологи

Урункулов Абдикул Абдисаматович – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Технологик транспорт бошқармаси бульдозер машинисти

Хужамуратов Ботир Равшанович – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Хонжиза» кон бошқармаси директори

(Давоми 2-саҳифада)

Тошкент вилояти ҳудудий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИГА ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВИНИНГ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 20, 26, 92[1], 96 ва 97-моддаларига мувофиқ ҳамда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияларининг сайлов натижаларини аниқлаш тўғрисидаги баённомаларига асосан, Тошкент вилояти ҳудудий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2024 йил 27 октябрда ўтказилган Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига депутатлар сайлови ўтган ва ҳақиқий деб топилсин.
2. Сайлов округларидан Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайланган 60 нафар депутат иловага мувофиқ рўйхатга олинсин.
3. Мазкур қарор Тошкент вилояти ҳудудий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва бошқа манбаларда эълон қилинсин.
4. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг рўйхатга олинган депутатларига белгиланган тартибда гувоҳнома ва кўкрак нишонлари берилсин.
5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент вилояти ҳудудий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Д. Шоисманов зиммасига юклансин.

Тошкент вилояти ҳудудий сайлов комиссияси раиси **У. ТЎХТАЕВ**

Нурафшон шаҳри,
2024 йил 31 октябрь

(Қарор иловаси билан 3-саҳифада танишинг)



Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг 75 йиллигига

Ширин орзулардан бошланар ҳаёт,
Бахт учун туғилар чунки одамзот,
Валекин меҳнатда, билимда нажот,
Азалдан ҳалолдир ҳар бурда нони,
Ахир, бу ўзбекнинг Ўзбекистони!

Худо назар қилган шу қутлуғ Ватан,
Ҳар қарич ерида хазина, маъдан,
Уни қазиб олар минг шукур билан,
Бу олтин, бу кумуш, янги мис кони,
Янги Ўзбскистон – улуғ имкони.

Баҳор боғларидан келгандек пайғом,
“Ёшлик-1” деб унга қўйилмишдир ном,
Не-не шоирларга бағишлар илҳом,
Оламга таралар Олмалиқ шони,
Ранг-баранг, бебаҳо маъданлар кони!

“Қалмоққир”, “Ёшлик-1” – бирликда ўзди,
“Учинчи” қад ростлаб, кўкка бўй чўзди,
Раҳнамо “4”га ҳам тамалтош қўйди,
“Буюк Ипак йўли”н янги карвони,
Ўзбек дури билан олар жаҳонни!

Етмиш беш ёшдадир бу қутлуғ даргоҳ,
Порлоқ истиқболин қўлласин Аллоҳ!
Олтини мўл элнинг кўкси абад тоғ,
Қарсак қарсиллатиб қутланг бу онни,
Олмалиқ эл-юртнинг бойлик бўстони!

Эъзозу эҳтиром, бахтнинг висоли.
Мукофот олганга бўлсин ҳалоли,
Президент табриги – қувонч тимсоли,
Олтиннинг ортида кумуш карвони,
Олмалиқ оғуши – миснинг макони!

Юртбоши гояси – олтин гоядир,
Буюк келажакка – пиллапоядир,
Бу миллат гул юзин нурга чаядир,
Ҳар кимга буюрсин ўзининг шони,
Бу бизнинг, ўзбекнинг – Ўзбекистони!

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири



ОЛАМГА ТАРАЛАР ОЛМАЛИҚ ШОНИ, РАНГ-БАРАНГ, БЕБАҲО МАЪДАНЛАР КОНИ!

Олмалиқ шаҳрида “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ташкил топганининг 75 йиллиги муносабати билан катта байрам тадбири бўлиб ўтди.

Шукуҳ

Унда Тошкент вилояти фаоллари, меҳнат фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, қатор хорижий давлатлар элчилари, ҳамкорлар ҳамда олимлар, кончилик соҳасида самарали фаолият юритаётган илғор ишчи-ходимлар иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг комбинат жамоасига йўллаган байрам табригини Бош вазир Абдулла Арипов ўқиб эшиттирди. Шунингдек, юбилей сана муносабати билан давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан тақдирланган бир гуруҳ ишчи ва ходимларга мукофотлар топширилди.

(Давоми 2-саҳифада)







Ихтиёр КАСИМОВ,
Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими

“Тошкент ҳақиқати” минбари

ЎРТА ЧИРЧИҚ: ФАРОВОН ҲАЁТ ЛОКАЦИЯСИ

Одамларнинг дарду ташвишлари билан яшаш инсонийликнинг энг олий мезонидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолиятини бошлаган илк кунларданоқ юқори ва қуйи бўғиндаги барча раҳбарлар олдига битта масалани қўйди. Бу одамлар билан яқиндан мулоқотда бўлиш, уларнинг таклиф ва муаммоларини тинглаб, сидқидилдан хизмат қилишдир.

Хусусан, Ўрта Чирчиқ туманида ҳафтанинг ҳар жума куни сектор раҳбарлари аҳоли билан оммавий қабул ўтказиши одатга айланган. Шунингдек, ҳокимликка, корхона ва ташкилотларга мурожаат билан келган фуқаролар ҳам эътиборсиз қолмайди. Албатта, ҳар мурожаат ортида бир инсон ёки оиланинг тақдири бор. Шуни эътиборга олган ҳолда, Халқ депутатлари Ўрта Чирчиқ тумани Кенгаши билан биргаликда кўмакка муҳтож бўлган аҳоли қатламининг яшаш шароитини қонунчиликда назарда тутилган меъёрлар асосида, мурожаатларни эса белгиланган тартибда ўрганиб чиқиб, ёрдам кўрсатмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Айнакулова Шоира Абдусматовна – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Иссиқлик электр маркази қозон-турбина цехи ёқилғи узатиш машинисти

Алдияров Хайрулла Маматалиевич – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Қалмоққир» кон бошқармаси марказий карьери экскаватор машинисти

Арсланов Абдунаби Курбанович – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Технологик транспорт бошқармаси «БелАЗ» ҳайдовчиси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Аскаров Бахром Мусурманович – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Мис эритиш заводи олтин ва кумушни аффинажлаш цехи бошлиғи

Атабаев Нурали Холжуманович – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Саноат темир йўл транспорти бошқармаси локомотив бригадаси йўриқчи-машинисти

Ахунов Наиль Рафисович – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бошқармаси техник хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи

Бекбутаева Наргиза Нургалиевна – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг илм-фан ва инновациялар бўлими етакчи муҳандиси

Боймирзаев Муминжон Ёрмухаматович – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Чодак» кон бошқармаси «Гузаксой» шахтаси тоғ ўтувчиси

Ишанходжаев Зокирхужа Каримджанович – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Тоғ-кон транспорт комплекси ва инфратузилма объектларини қуриш бўйича дирекцияси директори

Қодиров Лазиз Эргашевич – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Металлургия мажмуаси объектларини қуриш дирекцияси бош муҳандиси ўринбосари

Қосимов Зохид Ғофурович – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Мис бойитиш фабрикаси чиқиндиларни тўплаш цехи бошлиғи

Полвонов Муроджон Абдумансурович – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Кавулди» кони ер ости участкаси лаҳим ўтувчиси

Саматов Абдумажит Эргашевич – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Марказий таъмирлаш-механика заводи кимёвий ҳимоя участкаси бошлиғи


Тангирова Шарифа Гуламовна – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Техник назорат хизмати рангли металлургия маҳсулотлари назоратчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ



Вилоят бўйлаб



ТОШКЕНТ вилояти касаба уюшмаси биносида Германия тараққиёт банки мутахассислари иштирокида «Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасида «Аёллар ва ёшларни қишлоқ хўжалигида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, соҳада қўшимча қиймат занжирини яратиш масалаларига жалб қилиш» мавзусига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Анжуманда тижорат банклари кредитларини йўналтириш, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган вазифалар муҳокама қилинди.



ПИСКЕНТ туманидаги «Нурли келажак» жамоаси ўқувчилари Қозоғистон ва Тожикистон республикаларида ўтказилган Фанлараро халқаро очиқ олимпиадада ғолиб бўлишди.



ҚИБРАЙ туманидаги «Аёллар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож 2 минг 176 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди. Шунингдек, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 638 нафар хотин-қизга имтиёзли кредит, 6 нафарига керакли асбоб-ускуналар харид қилиш учун 60 миллион сўм маблағ ажратилди.



ТОШКЕНТ туманининг «Оқтош» маҳалласида 40-сонли мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди. «Обод маҳалла» давлат дастури доирасида барпо этилган 120 ўринли замонавий боғчада кичкинтойлар учун барча шароитлар яратилган.

ОЛАМГА ТАРАЛАР ОЛМАЛИҚ ШОНИ, РАНГ-БАРАНГ, БЕБАҲО МАЪДАНЛАР КОНИ!







– Комбинат ривожига ҳисса қўшаётганимдан хурсандман, – дейди “Шуҳрат” медали соҳиби, илм-фан ва инновациялар бўлими етакчи муҳандиси Наргиза Бекбўтаева. – Фаолиятимни бошлаган 2007 йилдан бери катта ўзгаришларга гувоҳ бўлдим. Бугун шундай қувончли кунда ҳаяжонимнинг чеки йўқ. Соҳада меҳнат қилаётган кўплаб устозлар ва мутахассислар қаторида мукофотланганимдан хурсандман. Бу – кончиларга билдирилган катта ишончдир.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Таъкидлаш жоизки, Олмалиқ кон-металлургия комбинати – мис-молибден, полиметалл ва олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича Марказий Осиёда етакчи, мис маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича эса дунёдаги 30 та йирик корхонадан бири саналади.

Комбинат таркибида 6 та кончилик корхонаси, 5 та бойитиш фабрикаси, мис эритиш ва рух заводлари, марказий таъмирлаш-механика заводи, оҳак заводи, саноат темирйўл транспорт бошқармаси, шунингдек, 20 дан ортиқ ёрдамчи цех ва лабораториялар мавжуд. Бугунги кунда бу ерда 35 мингдан зиёд ишчи-ходимлар меҳнат қилмоқда.

Ҳозирда 2030 йилгача комбинатни ривожлантириш концепцияси доирасида “Ёшлик-1” конини ўзлаштириш ва 3-Мис бойитиш фабрикасини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Фабрика тўлиқ қувватда ишга туширилганидан сўнг 3 мингга яқин янги иш ўринлари яратилади.

Дарвоқе, жорий йилнинг 15 октябрь куни Президентимизнинг Олмалиқ кон-металлургия комбинатига ташрифи давомида ушбу лойиҳанинг 2-босқичи доирасида 4-мис бойитиш фабрикаси қурилишига старт берилган эди. Бу лойиҳа орқали йилига 146 минг тонна катодли мис ва бошқа қимматбаҳо металлар олиш қувватлари яратилади.

Тадбир доирасида намойиш этилган концерт дастурида элимиз суйган санъаткорлар, Тошкент вилояти филармонияси ҳамда "Металлург" маданият саройи хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар байрам иштирокчиларига ўзгача шукуҳ бағишлади.

Шу куни шаҳардаги марказий ўйингоҳда комбинат жамоаси, меҳмонлари ва Олмалиқ аҳли учун санъат усталари ва эстрада юлдузлари иштирокида катта концерт дастури ҳам намойиш этилди.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

“Тошкент ҳақиқати” йўқлови

Комил инсон ғояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлиб келган. Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби алломаларимизнинг инсон камолоти ҳақидаги фикрлари жамият тараққиёти учун янги имкониятлар яратишга қаратилган эди. Жумладан, Абу Наср Фаробий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида шахснинг маънавий камолотини адолатли жамият қуришнинг асосий шарти деб ҳисоблайди. Комиллик сифатларини меҳр-мурувват, адолат, тўғрилик, виждон, ор-номус, ирода каби инсоний фазилатларнинг бирлигида кўради.



Маданият – ЖАМИЯТ ҚИЁФАСИДИР

Буни мақоламиз қаҳрамони Зоҳид Обидович Солиҳов мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунки қай бир даврада у ҳақда гап кетса, юқорида таъкидланганидек, энг аввало, унинг инсоний фазилатлари тилга олинади.

Бу бежиз эмас. Умрининг 75-довонини эгаллаш арафасида турган камтар, хушчақчақ, шу билан бирга, барча масалаларга жиддий қаровчи, ватанпарвар, фарзандларга меҳрибон ота, набираларга суюкли бобо бўлган бу инсонни нафақат Тошкент шаҳри ва вилояти, балки республикамизнинг барча шаҳар ва туманларидаги маданият ва санъатга алоқадор кишилар, фаоллар яхши танишади. Зеро, Зоҳид аканинг ҳаёти ва иш фаолиятига назар солсак, қай бир соҳада бўлмасин у ниҳоятда фидойилик билан меҳнат қилганининг гувоҳи бўламиз...

Зоҳид Обидович 1949 йил 6 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент педагогика институти ва Олий партия мактабини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1966 йилда пойтахтдаги 73-ўрта мактабда бошлаган ва 1972 йилга қадар ёшлар мураббийси, ўқитувчи бўлиб ишлаган.

Кейинги йилларда у Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ёшлар ижодиёти маркази бошлиғи, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси маданий-оммавий ишлар бўлими йўриқчиси, Ўзбекистон маданият ходимлари касаба уюшмаси республика қўмитаси раисининг ўринбосари, Тошкент вилояти партия қўмитаси сиёсий маориф уйининг маслаҳатчиси, Тошкент вилояти маданият ишлари бошқармаси бошлиғи каби бир қатор вазифаларда фаолият юритди.

Зоҳид Солиҳов Тошкент вилояти Маданият бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган даврда маданий-маърифий муассасаларнинг моддий-техник базаси анча мустаҳкамланди, бадиий жамоаларнинг сони кўпайиб, репертуарлари бойитилди, республика кўрик-танловларида совринли ўринларни эгаллай бошлашди.

Вилоятда биринчи марта филармоник миллий халқ чолғу ансамбли, шунингдек, ашула ва рақс дасталари ташкил этилиб, аҳолига маданий хизмат кўрсата бошлади. "Сарбон" вокал-чолғу ансамбли эса мамлакатимиздаги энг кўзга кўринган бадиий жамоалардан бирига айланди. Олмалиқлик Дилноза Исмияминова, оҳангаронлик Тошпўлат Маткаримов, тўйтепалик Озода Нурсаидова каби санъаткорларни эл-юрт таниди. "Овоз" лойиҳасида қатнашган паркентлик Дилноза Акбарова мутахассисларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Вилоят кутубхоналарининг китоб фондлари кескин кўпайди. Китобсеварлар билан ташкил этиладиган маърифий тадбирлар сони ва сифати ортди. Бу ишларда фаоллик кўрсатган вилоят маданият бошқармаси бошлиғи сифатида иштирок этганди, – деб эслайди Ҳасан Нурматов. – Шунда мен у кишининг ҳамкасбларга нақадар меҳрибон инсон эканликларига гувоҳ бўлган эдим.

Зоҳид ака соҳада олиб борган намунали фаолияти учун "Маданият аълочиси" унвони билан тақдирлангани ҳам бежиз эмас.

Мақоламиз қаҳрамони 2002 йилдан эътиборан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига ишга ўтказилади. Зоҳид Обидович вазирликда ҳам ўзининг ишчан, халқаро ҳамкорлик соҳасида етарли тажрибага эга ходим ва раҳбар сифатида намоён этди. Фаолияти давомида ўз билим ва тажрибасини амалиётда қўллади, топшириқ ва вазифаларга жиддий ёндошиб, ташкилотчилик, мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш қобилияти ҳисобига белгиланган муддатларда уларнинг ижросини таъминлади.

Зоҳид Обидович жамоада ўзининг хушмуомалалиги, дўстона муносабати ва маданияти билан ажралиб турса-да, иш жараёнида ҳамкасбларига ўта талабчан эди. Вақтдан самарали фойдаланиб, жамоат ишларида фаол иштирок этар, шунингдек, дунёқарашини кенгайтиришга, касбий маҳоратини оширишга ҳаракат қиларди.

Бу инсон вазирликда 20 йилга яқин Халқаро алоқалар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимида фаолият юритиб, Америка, Япония, Германия, Корея ва бошқа давлатларнинг Халқаро ҳамкорлик агентликлари, дипломатик миссиялари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатишда фаол иштирок этди. Вазирликдаги фаолияти даврида тармоққа бир неча кўзга кўринган инвестиция лойиҳаларини жалб қилиб, уларнинг амалиётга татбиқ этилишида фаоллик кўрсатди. У ҳар йили 100 дан ортиқ мутахассислар, олимлар ва талабаларнинг малакасини ошириш, уларни янги илғор тажрибаларни ўрганиш мақсадида танлов асосида ривожланган давлатларга юборишга ўз ҳиссасини қўшиб келди.

Шу кунларда барча яқинлари “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони соҳиби Зоҳид Обидович Солиҳовни табаррук 75 ёшга тўлиши билан самимий табриклаб, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тиламоқдалар.

Носир ТОИРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, меҳнат фахрийси

Тошкент вилояти ҳудудий сайлов комиссиясининг 2024 йил 31 октябрдаги 86-сон қарорига илова

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИГА САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР РЎЙХАТИ

Т/р	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган сиёсий партия номи
1	1-Нурафшон сайлов округи	**ТУРДИЕВ Алишер Ғулом ўғли**	1999	*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси*
2	2-Қорасув сайлов округи	**ПАРДАЕВА Зубайда Мусаевна**	1961	*Ўзбекистон Экологик партияси*
3	3-Ким Пен Хва сайлов округи	**САРМАНОВ Фаррух Ахмадалиевич**	1978	*Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси*
4	4-Обод сайлов округи	**ХУДАЙШУКУРОВ Элёр Толиб ўғли**	1983	*Ўзбекистон Экологик партияси*
5	5-Кимёгар сайлов округи	**ЧАДИН Михаил Юревич**	1972	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
6	6-Олмалиқ сайлов округи	**УМАРОВ Фарходбек Яркулович**	1977	*Ўзбекистон Халқ демократик партияси*
7	7-Кончилар сайлов округи	**ХУРСАНОВ Абдулло Халмурадович**	1966	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
8	8-Пискент сайлов округи	**НОСИРОВ Абдусамад**	1948	*Ўзбекистон Халқ демократик партияси*
9	9-Кориз сайлов округи	**ОХУНЖОНОВА Дилдора Комилжон қизи**	1997	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
10	10-Далварзин сайлов округи	**АРТИКОВ Бехзод Равшанович**	1985	*Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси*
11	11-Зафар сайлов округи	**МАМАТҚУЛОВ Шерзод Жўлибоевич**	1978	*Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси*
12	12-Бекобод сайлов округи	**ПИРМАТОВ Рашид Хусанович**	1964	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
13	13-Фарҳод сайлов округи	**ЛЯПИНА Елена Михайловна**	1969	*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси*
14	14-Металлург сайлов округи	**ТУЙЧИЕВ Алим Исмаилович**	1965	*Ўзбекистон Халқ демократик партияси*
15	15-Бўка сайлов округи	**ХАШИМОВ Шухрат Уразалиевич**	1976	*Ўзбекистон Халқ демократик партияси*
16	16-Бўстон сайлов округи	**ҒАНИЕВ Машраб Ғаниевич**	1983	*Ўзбекистон Экологик партияси*
17	17-Қорақўйли сайлов округи	**АБДУЛЛАЖОНОВ Алишер Боқижонович**	1976	*Ўзбекистон Халқ демократик партияси*
18	18-Алимкент сайлов округи	**УМАРОВА Гулираъно Абдимуталовна**	1983	*Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси*
19	19-Оққўрғон сайлов округи	**БОТИРОВ Низомидин Файзуллаевич**	1957	*Ўзбекистон Халқ демократик партияси*
20	20-Ўзбекистон сайлов округи	**ЮЛДАШЕВ Вахид Султонмуродович**	1981	*Ўзбекистон Халқ демократик партияси*
21	21-Дўстобод сайлов округи	**КАСИМОВ Бахтияр Закирович**	1959	*Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси*
22	22-Чиноз сайлов округи	**ИБРАГИМОВА Фарида**	1955	*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси*
23	23-Олмазор сайлов округи	**НИЗАМУДИНОВ Шахбоз Абдусаматович**	1990	*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси*
24	24-Эски Тошкент сайлов округи	**ХУДАЙБЕРГАНОВ Ахмадали**	1953	*Ўзбекистон Халқ демократик партияси*
25	25-Шўралисой сайлов округи	**ЮЛДОШОВ Махмуд Маъруф ўғли**	1994	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
26	26-Аҳил сайлов округи	**МАЯКУБОВ Равшан Тулкунович**	1989	*Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси*
27	27-Бинокор сайлов округи	**НАСИРОВ Мураджан Лазизович**	1972	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
28	28-Озод сайлов округи	**ТЕКЕНОВ Канат Тунгатарович**	1979	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
29	29-Янгийўл сайлов округи	**ШАМШИЕВ Сабир Сайфутдинович**	1963	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
30	30-Эркин сайлов округи	**САИДОВ Тохир Тўланбоевич**	1981	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
31	31-Зангиота сайлов округи	**ФАЙЗИЕВ Тўлқунжон Обидович**	1958	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
32	32-Туркистон сайлов округи	**АБДУМУХТОРОВ Анваржон Акрамжонович**	1985	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
33	33-Эшонгузар сайлов округи	**ШЕК Наталя Андреевна**	1973	*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси*
34	34-Қизғалдоқ сайлов округи	**АБДУРАХИМОВА Шахноза Саидасиловна**	1979	*Ўзбекистон Халқ демократик партияси*
35	35-Келес сайлов округи	**ХАКИМОВА Зулфия Хурматовна**	1974	*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси*
36	36-Ҳасанбой сайлов округи	**МАХАМАДАЛИЕВА Дилорам Шалатиповна**	1960	*Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси*
37	37-Юнусобод сайлов округи	**ШАМСИЕВ Рустам Ташпулатович**	1987	*Ўзбекистон Халқ демократик партияси*
38	38-Қибрай сайлов округи	**ШЕРАЛИЕВ Рахматилла**	1952	*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси*
39	39-Ёнариқ сайлов округи	**АХМЕДОВА Гулнора Абдуллаевна**	1965	*Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси*
40	40-Салар сайлов округи	**АВАЗОВ Сардоржон Эркин ўғли**	1992	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
41	41-Чинобод сайлов округи	**КАДИРХАНОВА Малика Акбаровна**	1967	*Ўзбекистон Халқ демократик партияси*
42	42-Янгибозор сайлов округи	**МИРЗАЕВ Зойир Тоирович**	1968	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
43	43-Жумабозор сайлов округи	**ХИБРАЕВА Данагул Калдарбековна**	1978	*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси*
44	44-Дўстлик сайлов округи	**ХАЛИКОВА Олга Андреевна**	1971	*Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси*
45	45-Чирчиқ сайлов округи	**АКБАРОВА Фарида Шарахимовна**	1960	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
46	46-Саноатчилар сайлов округи	**САЙДАХМЕДОВ Хотам Анварович**	1957	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
47	47-Кимёгарлар сайлов округи	**ФИЛИППОВА Людмила Владимировна**	1956	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
48	48-Ғазалкент сайлов округи	**ЭРМАТОВ Улуғбек Хожимуродович**	1978	*Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси*
49	49-Чорбоғ сайлов округи	**АБДУЛЛАЕВА Гўзал Равшан қизи**	1996	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
50	50-Искандар сайлов округи	**ФАЙЗИЕВА Сайёра Мавляновна**	1962	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
51	51-Паркент сайлов округи	**МУХАМЕДОВ Гафурджан Исраилович**	1949	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
52	52-Бойқозон сайлов округи	**ТОИРОВ Махмуджон**	1952	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
53	53-Заркент сайлов округи	**РИЗАЕВА Гавхар Ниғмоновна**	1980	*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси*
54	54-Бошқизилсой сайлов округи	**НИЗОМИТДИНОВ Мухсиддин Мухиддин ўғли**	1992	*Ўзбекистон Халқ демократик партияси*
55	55-Ангрен сайлов округи	**БЕГМАТОВ Абдукадир Одилматович**	1968	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
56	56-Истиқлол сайлов округи	**АНАРОВ Атабек Абдувалиевич**	1976	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
57	57-Дукент сайлов округи	**ЛИ Вадим Геннадевич**	1969	*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси*
58	58-Оҳангарон сайлов округи	**ЭРГАШЕВ Шукурулла Зикруллаевич**	1970	*Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси*
59	59-Нуробод сайлов округи	**УМАРАЛИЕВ Акмалжон Акбаралиевич**	1974	*Ўзбекистон Халқ демократик партияси*
60	60-Қорахитой сайлов округи	**САИНУРИДИНОВ Саидмухтор Саидгаффарович**	1986	*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси*



Сўраган эдингиз

– Дам олиш куни ходим меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод бўлган ва ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақтдир. Лекин шундай ҳолатлар ҳам бўладики, ходимлар дам олиш кунларида ҳам ишхонадаги вазифаси билан банд бўлади. Бу тўғрими?

Бекзод ЮСУПОВ,
Нурафшон шаҳри

Саволга Тошкент давлат юридик университети Юридик клиникаси раҳбари Отабек Нарзиев жавоб беради:



– Меҳнат кодексининг 207-моддасига биноан ходимларга ҳар ҳафтада дам олиш кунлари берилади. Беш кунлик иш ҳафтасида ходимларга ҳафтада икки дам олиш куни, олти кунлик иш ҳафтасида эса бир дам олиш куни берилади. Беш кунлик ва олти кунлик иш ҳафтасида умумий дам олиш куни якшанбадир.

Мазкур кодекснинг 209-моддасига кўра, дам олиш кунларида ва ишланмайдиган байрам кунларида ишлаш тақиқланади, бундан ушбу кодексда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Умуман ташкилотнинг ёки унинг алоҳида таркибий бўлинмаларининг, якка тартибдаги тадбиркорнинг кейинчалик нормал ишлаши олдиндан кутилмаган қайсидир ишларнинг шошилинч бажарилишига боғлиқ бўлса, ўша ишларни бажариш зарур бўлган тақдирда ходимларни дам олиш кунлари ва ишланмайдиган байрам кунлари ишга жалб этиш уларнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

Умуман ташкилотнинг ёки унинг алоҳида таркибий бўлинмаларининг кейинчалик нормал ишлаши олдиндан кутилмаган қайсидир ишларнинг шошилинч бажарилишига боғлиқ бўлса, ўша ишларнинг рўйхати жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, касаба уюшмаси қўмитаси билан келишувга кўра иш берувчи томонидан, якка тартибдаги тадбиркор иш берувчи бўлиб иш юритилаётган ҳолларда эса меҳнат шартномасида белгиланади.

Ишланмайдиган байрам кунларида ишлаб чиқариш-техник шароитларга кўра узлуксиз ишлайдиган ташкилотлар тўхтатиб туриш имкони бўлмаган ишларни (хизматларни), аҳолига хизмат кўрсатиш заруратини юзага келтирадиган ишларни, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш ва юк ортиш-тушириш ишларини амалга оширишга йўл қўйилади.


Маданий-томоша ташкилотларининг, телевидение, радиоэшиттириш ташкилотларининг ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг ижодкор ходимларини, профессионал спортчиларни, шунингдек, асарларни яратишда ва (ёки) ижро этишда (намойиш этишда) иштирок этувчи бошқа шахсларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишувга кўра ишлар, касблар, лавозимларнинг тасдиқланадиган рўйхатларига мувофиқ, дам олиш кунлари ва ишланмайдиган байрам кунлари ишга жалб этишга жамоа шартномасида, ички ҳужжатларда, меҳнат шартномасида белгиланадиган тартибда йўл қўйилади.

Дам олиш кунларидаги ёки ишланмайдиган байрам кунларидаги иш учун ҳақ тўлаш ушбу кодекснинг 263-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Статистика бурчаги

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ДОИМИЙ АҲОЛИ СОНИ КЎПАЙДИ

2024 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3 млн. 94 минг 870 кишини ташкил қилди ва йил бошидан 43 минг 102 кишига ёки 1,4 фоизга кўпайди. Шундан, 1 млн. 548 минг 296 киши шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 50,03 фоизи) ва 1 млн. 546 минг 574 киши қишлоқ жойларида (49,97 фоиз) истиқомат қилади.



АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ

2024 йил январь-сентябрь ойларида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 4 234,4 млн. АҚШ долларига етган.

Ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми 1 433,3 млн. АҚШ долларига ва импорт ҳажми 2 801,1 млн. АҚШ долларига етди.

СУҒУРТА БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАР 4 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТДИ

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятда молиявий хизматлар ҳажми 394,3 млрд. сўмга ошиб, 3 694,3 млрд. сўмга етди. Умумий бозор хизматлари ҳажмида ушбу хизматларнинг улуши 9,5 фоизни, шунингдек, жами молиявий хизматларнинг ўсиш суръати 105,3 фоизни ташкил этди.

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН БАЖАРИЛГАН ИШЛАР

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида, жами қурилиш ишлари ҳажми таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 2220,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Қурилиш ишлари 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 117,6 фоиз бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 2023 йилдаги кўрсаткич даражасидан 12,9 фоизга кўпайиб, 20,7 фоизни ташкил этди.

САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Вилоятда 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши 32 000,1 минг сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич аҳоли эҳтиёжлари ишлаб чиқариш маҳсулотларига нисбатан ўсиб бораётганини кўрсатади.

КИЧИК КОРХОНА ВА МИКРОФИРМАЛАР СОНИ

2024 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони жами 36 минг 484 тага, шундан янги ташкил этилганлари 5 минг 373 тага етди.

Ҳудудлар бўйича фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг энг кўпи Зангиота туманида 4 минг 383 тага етиб, жамига нисбатан 12 фоизни ташкил этди.

АСОСИЙ КАПИТАЛГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИ

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятда 54 427,9 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, улардан корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан 15,4 фоиз ёки 7 760,5 млрд. сўм молиялаштирилди.

Тошкент вилояти Статистика бошқармаси

ЎРТА ЧИРЧИҚ: фаровон ҳаёт ЛОКАЦИЯСИ





ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Президентимиз томонидан камбағалликни қисқартириш, аҳолини доимий даромад ва иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш фаолиятимизнинг устувор вазифаси этиб белгиланган.

Мамлакатимизда 2020 йилдан фуқароларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни назарда тутувчи қонунчилик асослари яратилди, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Меҳр дафтари” каби жаҳонда андозаси бўлмаган мутлақо янги ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ишга туширилди. Эндиликда камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатга айланиб, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури эълон қилинди.

Айни пайтда Ўрта Чирчиқ туманида 137,9 минг нафар аҳоли 40,9 минг оилада истиқомат қилади. Шундан 2 минг 828 таси камбағал оила ҳисобланиб, меҳнат ёшидаги аъзолар сони 6 минг 584 нафарни ташкил этади. Камбағаллик даражаси 9,1 фоизни кўрсатади. 2021 йилда бу кўрсаткич 23,2 фоиз эди.

Аввало, сектор раҳбарлари томонидан туманда камбағалликнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилди ва оилалар 5 тоифага ажратилди:

1-тоифа – яшаш шароити яхши, ўзига тўқ;

2-тоифа – яшаш шароити яхшиланаётган (кўмак берса, камбағалликдан чиқади);

3-тоифа – даромади паст (иш ҳақи кам, пенсия ва нафақа ҳисобига яшайди);

4-тоифа – эҳтиёжманд ва ночор (уй шароити оғир, озиқ-овқат ва кийим-кечак етишмайди, болаларини боғчага бера олмаётган, даволанишга муҳтож, ногиронлиги бўлган аъзолари бор);

5-тоифа – Ижтимоий ҳимоя миллий реестрига кирмаган камбағал оилалар.

Натижада реестрга кирган 1 минг 906 та яшаш шароити яхши оила, шунингдек, 276 та камбағал, лекин реестрга кирмаган оилалар аниқланди.

Ўрганишлар давомида оилаларнинг камбағалликка тушиб қолиш сабаблари ҳам таҳлил қилиниб, реестрга кирган 1 минг 906 та оила билан “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Эътиборлиси, самарали саъй-ҳаракатлар натижасида камбағаллик 2 бараваргa камайди.

Бу йўналишда 2024 йил 11 сентябрда давлатимиз раҳбари маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш, камбағал оилалар билан ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида қўйган вазифалар бўйича келгуси ишларимизни режалаштириб олдик.

ИШ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА

Ишбилармонлик борасида рақамлар қуйидагича:

хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича туман имконияти ва захираларни таҳлил қилиб, 2024 йил якунига қадар 16 та ҳудудий лойиҳаларда 150 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш режа қилинган. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 68,3 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий сармоялар ўзлаштирилгани ҳисобига 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 135,7 фоиз ўсишга эришилди. Инвестицияларни ўзлаштириш 2017 йилда аҳоли жон бошига ўртача 224 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 4,5 млн. сўмга етди ёки 17 бараваргa ошди. Жалб қилинган инвестициялар асосан, Хитой (52 млн. АҚШ доллари), Америка Қўшма Штатлари (10,1 млн. АҚШ доллари), Туркия (5,3 млн. АҚШ доллари), Жанубий Корея (0,8 млн. АҚШ доллари) ва Россия (0,1 млн. АҚШ доллари) давлатлари ҳиссасига тўғри келади.

Мисол учун, “World Baraka Biznes” МЧЖнинг савдо комплексини ташкил этиш лойиҳаси учун 15 млн. АҚШ доллари, “Tash vegas” МЧЖ томонидан дам олиш маскани лойиҳаси учун 10,1 млн. АҚШ доллари; “Xunjie” МЧЖнинг мотоцикллар ишлаб чиқариш лойиҳаси учун 3,9 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

Жорий йил якунига қадар 150 млн. АҚШ доллари, 2025 йилда эса 183 млн. АҚШ доллари (ўтган йилга нисбатан ўсиш 122 фоиз) миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилган.

Шунингдек, туманда ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида жорий йилда қиймати 706,5 млрд. сўмлик 37 та лойиҳа ўз муддатида ишга туширилиши ҳисобига 1 минг 87 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Лойиҳанинг ҳар бирига алоҳида масъуллар бириктирилди. Хусусан, инвестиция дастуридаги қиймати 10 млрд. сўмдан юқори бўлган 11 та йирик лойиҳага (685 та иш ўрни) сектор раҳбарлари ва умумий қиймати 10 млрд. сўмгача бўлган 26 та ўрта ва кичик лойиҳаларга (286 та иш ўрни) ҳоким ўринбосарлари масъул этиб белгиланган. Ўтган 9 ойда қиймати 80,4 млрд. сўмлик 13 та лойиҳа ишга туширилиб, 178 та янги иш ўрни яратилди. Бу ўтган йилга нисбатан 75 та кўп.

Таъкидлаш жоизки, туманнинг “Қорасув” даҳасида ишлаб чиқарилаётган мебель маҳсулотлари нафақат мамлакатимизда, балки қўшни республикаларда ҳам харидоргир. Бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш ва мебелчилик тармоғи янада ривожланишида “Республика ҳудудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Қарорга кўра, соҳада тадбиркорлар сафи бир неча баравар ортиб, меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг бандлигини таъминлашга эришилмоқда.

2023 йилда туманда мебелчилик билан шуғулланувчи 42 та тадбиркорлик субъекти томонидан 130 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Биргина “Qorasuv invest savdo” оилавий корхонасида ўтган йилда 27 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, 170 киши доимий иш билан банд қилинган. Корхона асосан идора мебеллари ва уй жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, кооперация усулида 17 та хонадонга ярим тайёр маҳсулотларни етказиб беради.

Келгусида тумандаги “Қорасув”, “Роватак” ва “Туркистон” маҳаллаларидаги 107 та жисмоний ва юридик шахсдан иборат мебелчилик корхоналарини бирлаштириб, кичик саноат зонаси ташкил этиш режалаштирилган.

Шунингдек, “Галаботир” маҳалласи ҳудудида илгари учиш йўлаги бўлган ва ҳозирда суғорилмайдиган қишлоқ хўжалиги майдони тоифасига киритилган, иқтисодий самарадорлиги паст 4 гектар ерда мебель-ҳунармандчиликка ихтисослаштирилган кичик саноат зонаси ташкил этиш кўзда тутилган. Бунинг натижасида 70 та лойиҳа амалга оширилади, мебелчилик фаолияти билан банд бўлган аҳоли 856 нафардан 2 минг кишига етади, соҳага 200 дан ортиқ хонадон қамраб олинади, 250 нафардан ортиқ норасмий ишлаётган ишчилар легаллаштирилади, 20 дан ортиқ янги савдо дўконлари ташкил этилади. Энг муҳими, хонадонларнинг ўртача ойлик даромади 22-25 млн. сўмга етказилади.

Президентимиз жорий йилнинг 15 октябрь куни Тошкент вилоятига ташрифи чоғида Тошкент, Қибрай, Зангиота, Юқори Чирчиқ туманлари ҳамда Чирчиқ ва Нурафшон шаҳарлари билан бир қаторда Ўрта Чирчиқ тумани ҳам пойтахт туманлари билан ҳамоҳанг ривожланиши кераклигини алоҳида таъкидладилар. Бу даъват келгуси ишларимиз учун катта мотивация берди.

БИР ҲУДУД – ИККИ МАҲСУЛОТ

Хабарингиз бор, “Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ, “хонадонбай” ишлаш асосида ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароити ва ҳудуд аҳолисининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда томорқа хўжаликларини “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида маҳсулот етиштиришга ихтисослаштириш белгиланган эди. Бу ҳудудда 1 минг 87 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Лойиҳанинг ҳар бирига алоҳида масъуллар бириктирилди. Хусусан, инвестиция дастуридаги қиймати 10 млрд. сўмдан юқори бўлган 11 та йирик лойиҳага (685 та иш ўрни) сектор раҳбарлари ва умумий қиймати 10 млрд. сўмгача бўлган 26 та ўрта ва кичик лойиҳаларга (286 та иш ўрни) ҳоким ўринбосарлари масъул этиб белгиланган. Ўтган 9 ойда қиймати 80,4 млрд. сўмлик 13 та лойиҳа ишга туширилиб, 178 та янги иш ўрни яратилди. Бу ўтган йилга нисбатан 75 та кўп.

Таъкидлаш жоизки, туманнинг “Қорасув” даҳасида ишлаб чиқарилаётган мебель маҳсулотлари нафақат мамлакатимизда, балки қўшни республикаларда ҳам харидоргир. Бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш ва мебелчилик тармоғи янада ривожланишида “Республика ҳудудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Қарорга кўра, соҳада тадбиркорлар сафи бир неча баравар ортиб, меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг бандлигини таъминлашга эришилмоқда.

2023 йилда туманда мебелчилик билан шуғулланувчи 42 та тадбиркорлик субъекти томонидан 130 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Биргина “Qorasuv invest savdo” оилавий корхонасида ўтган йилда 27 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, 170 киши доимий иш билан банд қилинган. Корхона асосан идора мебеллари ва уй жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, кооперация усулида 17 та хонадонга ярим тайёр маҳсулотларни етказиб беради.

Келгусида тумандаги “Қорасув”, “Роватак” ва “Туркистон” маҳаллаларидаги 107 та жисмоний ва юридик шахсдан иборат мебелчилик корхоналарини бирлаштириб, кичик саноат зонаси ташкил этиш режалаштирилган.

Шунингдек, “Галаботир” маҳалласи ҳудудида илгари учиш йўлаги бўлган ва ҳозирда суғорилмайдиган қишлоқ хўжалиги майдони тоифасига киритилган, иқтисодий самарадорлиги паст 4 гектар ерда мебель-ҳунармандчиликка ихтисослаштирилган кичик саноат зонаси ташкил этиш кўзда тутилган. Бунинг натижасида 70 та лойиҳа амалга оширилади, мебелчилик фаолияти билан банд бўлган аҳоли 856 нафардан 2 минг кишига етади, соҳага 200 дан ортиқ хонадон қамраб олинади, 250 нафардан ортиқ норасмий ишлаётган ишчилар легаллаштирилади, 20 дан ортиқ янги савдо дўконлари ташкил этилади. Энг муҳими, хонадонларнинг ўртача ойлик даромади 22-25 млн. сўмга етказилади.

Президентимиз жорий йилнинг 15 октябрь куни Тошкент вилоятига ташрифи чоғида Тошкент, Қибрай, Зангиота, Юқори Чирчиқ туманлари ҳамда Чирчиқ ва Нурафшон шаҳарлари билан бир қаторда Ўрта Чирчиқ тумани ҳам пойтахт туманлари билан ҳамоҳанг ривожланиши кераклигини алоҳида таъкидладилар. Бу даъват келгуси ишларимиз учун катта мотивация берди.

БИР ҲУДУД – ИККИ МАҲСУЛОТ

Хабарингиз бор, “Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ, “хонадонбай” ишлаш асосида ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароити ва ҳудуд аҳолисининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда томорқа хўжаликларини “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида маҳсулот етиштиришга ихтисослаштириш белгиланган эди. Бу қўзиқоринни қайта ишлаш учун оилавий консерва цехи ташкил этилди ва 100 нафар мавсумий ҳамда 30 нафар доимий ишчилар бандлиги таъминланди. Даромад эса ҳар сотихдан ўртача 30 млн. сўмни ташкил этди. Ҳозирда мазкур МЧЖ билан ҳамкорликда қўзиқорин етиштираётган хонадонлар сони 100 тадан ошди.

Албатта, бу саъй-ҳаракатлар рағбатсиз қолмади. Жамият раҳбари Рустам Миванчинов жорий йил Президент фармойишига биноан “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Туманда жорий йилнинг биринчи ярим йилида 1 трлн. 316,6 млрд. сўм қийматдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Йил якунига қадар бу кўрсаткични 3 трлн. 794,1 млрд. сўм етказиш режалаштирилган. Бу ўтган йилгидан анча юқори натижа.

Шу ўринда туманда жўхори етиштиришда ҳам бой тажриба тўпланганини таъкидлаш лозим. Ширин маккажўхори, аҳоли тилида “вак-мак” дея оғизга тушган маҳсулот 2 минг гектар майдонда етиштирилади ва қарийб 4 минг тонна ҳосил олинади. Маҳсулот, асосан, экспортга йўналтирилади.

Мисол учун, Хайрулла Бобожонов раҳбарлигидаги “Fresh food pack” МЧЖ деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилган 4 минг тонна ширин маккажўхорини сотиб олади. МЧЖда вакуум усулида қадоқланган маҳсулотнинг 90 фоизи экспортга йўналтирилади. Жумладан, **2023 йилда 4,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот Россияга экспорт қилинди.**

Эндиликда корхона томонидан миллий таомимиз – паловни вакуум усулида қадоқлашни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун қиймати 3 млрд. сўмлик сармоя жалб қилинади. Шу билан бирга, 30 та янги иш ўрни яратилиб, 960 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланиб, экспортга йўналтирилади.

“ИНСОН – ЖАМИЯТ – ДАВЛАТ”

Янгиланаётган давлатимизда “давлат – жамият – инсон” тамойили “инсон – жамият – давлат” тамойилига ўзгартирилгани Ўзбекистонда инсон қадри барча нарсадан устун эканлигининг исботидир.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойили конституциявий меъёр сифатида мустаҳкамланди.

Шу асосда биз ҳам туманимиз аҳолиси билан ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуриш учун ислоҳотларни дадил амалга ошириш йўлида хизмат қилиб, сифатли таълим, малакали тиббий хизмат, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни устувор вазифа деб белгилаб олдик.

Зеро, “инсон – жамият – давлат” тамойили Янги Ўзбекистон тараққиётининг мустаҳкам пойдеворидир.

Ихтиёр КАСИМОВ,
Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)
Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G‘afurjon MUHAMEDOV
Sirojiddin ESHQUVVATOV
Tohir ARIPOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Behzod QOBULOV
Olimjon BEGALIYEV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G‘ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10
Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10
Bo‘lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20
E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi:
(55) 520-21-20
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Zikrilla MAMATOV

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.
Bosishga topshirildi - 21:20
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-1135.
2 845 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6